

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

ERNEST XEMINGUEY
(1899-1961)

*Chol qushlar va ayniqsa, belinim oziq
axtariib uchgan, ammo deyarli hech qachon
uni topolmaydigan jumboq va nozik dengiz
qaldirg'ochlariga achilib ketar va qushlar
turmishi, qirin-qora va katta, kuchli
qushlarni hisobga olmayanda, buning kun
kechirishimizga qaraganda ham juda og'ir.
Okean gahida shu qadar ham beshim bolalar
ekan, nima uchun qushlarni mana bu
dengiz qaldirg'ochlari singari nozik va
shikasta qilib yaratganlar. Okean saxsi va
gozal, ammo u gah to'xtidan shunday
shafqatsiz bolib ketadiki, uning ustidagi
oziq dindagi chary urib cho'ngib, oziq va
mangli ovoz bilan bir-birlariga jor bolib
uchgan bu qushlar uning nisbatan
benihoya zaf va mo'ri ko'rinadi.*

"CHOL VA DENGIZ" ASARI

AVGUST

№43



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 43-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 35 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва ақтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Тўхтаев Бобир-Мирзо Авазович ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ” ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	7
2. Karaketova Dilnoza Yuldashevna, Abbosov Mirsulton Mirsharof o‘g‘li КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	9
3. Қудратова Мухайё Ўктам қизи ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДАГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ.....	14
4. Muhammad Ayub Farangiz, Odilova Mohira GENDER TENGLIGI VA AYOLLARNING HUQUQLARI.....	16
5. Абдуллаев Неъмат Толиевич ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ТУРЛАРИ ВА ХУСУ- СИЯТЛАРИ.....	18
6. Абдуллаев Неъмат Толиевич ЭКСПЕРТИЗА ТЕРГОВ ҲАРАКТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.....	20
7. Муракаева Зухра Ильгизаровна НОРМЫ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЕ АВТОР- СКИХ ПРАВ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	22
8. Нуралиев Мурод Маруфович ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ: КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАЗО ТАЙ- ИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	24
9. Рахимберганова Бону Давлатназаровна МУДДАТ – МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА.....	28
10. Сафаров Бекзод Алишер ўғли ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	31
11. Сафаров Бекзод Алишер ўғли ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИШ.....	32
12. Тўхтаев Бобир-Мирзо Авазович ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ” ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНИШИ.	33



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ” ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тўхтаев Бобир-Мирзо Авазович.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси котибияти
Катта референти. Мустақил изланувчи.

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада мамлакатимизда такомиллашиб бораётган “электрон парламент” тизимининг ҳуқуқий асослари, хусусан, парламент фаолиятига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлари, “электрон парламент”ни шакллантиришдаги аҳамияти ва сўнгги йилларда соҳани янада такомиллаштириш борасида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: электрон парламент, Олий Мажлис, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарор, фармон, замонавий ахборот-коммуникация технологиялар.

Мамлакатимизда электрон парламент тизими ҳуқуқий асосларини уч гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил этиш мумкин. Хусусан, биринчи гуруҳга парламент фаолиятига тегишли бўлган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, иккинчи гуруҳга мамлакатимизда парламент ва унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларни жорий этилишига боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва учинчи гуруҳга электрон парламент тизимини шакллантиришга дахлдор бўлган ҳужжатлардир.

Халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва маслаҳатлари “электрон парламент” тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқ парламентларнинг халқаро миқёсда бирлаштирувчи ташкилоти ҳисобланиб ҳар икки йилда бутун дунёда электрон парламент ривожланиш ҳолатлари, сўровлар орқали соҳа таҳлили ва умумий таклифларни ўз ичига олган ҳисоботлар чоп этади.

Электрон парламент фаолиятини самарали йўлга қўйишда ахборот коммуникация-технологиялари билан ишлашни мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2018 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 1725-III-сон қарори қабул қилинади. [1]

Мазкур қарор билан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тузилмасида Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими тузилади ва асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

- Қонунчилик палатасининг ахборот-коммуникация тизими ва маҳаллий компьютер тармоғи фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- Қонунчилик палатасининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини, шу жумладан электрон овоз бериш, товуш кучайтириш, стенограмма ёзиб олиш, электрон ҳужжат айланиши тизимларини ва бошқа тизимларини шакллантириш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ахборот-коммуникация, видеоселектор алоқасини таъминлаш;
- жараёнларни автоматлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;



- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобига Қонунчилик палатаси фаолиятининг очиқлигини таъминлашга кўмаклашиш;
- Қонунчилик палатаси фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Қонунчилик палатаси расмий веб-сайти ишлаб туришини техник жиҳатдан таъминлаш, унинг узлуксиз ишлашига эришиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Девони ходимларининг касб малакасини ошириш чора-тадбирларини ташкил этиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда уларни Қонунчилик палатаси фаолиятида қўллаш юзасидан таклифлар киритиш.

Электрон парламент тизимини шакллантиришдаги муҳим ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида «электрон парламент» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси”даги 1899-III-сон қўшма қарори ҳисобланади. [2]

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 28 июндаги КҚ-240-IV-сон Қарори билан Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси тўғрисида Низоми қабул қилинади. [3]

Мазкур низомга кўра, Кўмита фаолиятининг асосий вазифалари сифатида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ҳамда доимий мониторинг қилиш белгиланди.

Электрон парламент тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш, таклиф ва мурожаатлари билан ишлашни йўлга қўйишдан иборатдир. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлда “Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича парламент назоратини кучайтириш тўғриси”да СҚ-359-IV-сон қарори қабул қилинади. [4]

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига мурожаатларни қабул қилиш, ҳар ҳафтада сайёр қабуллар ўтказиш, натижаси юзасидан депутат сўрови ва эшитувлари амалиётини йўлга қўйиш ҳамда жамиятда қизгин баҳсларга сабаб бўлган, шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги мурожаатлар юзасидан тезкор эшитувлар ташкил қилган ҳолда мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиб, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш каби вазифалар белгиланади.

Шунингдек, Сенатга келиб тушган мурожаатларни, шунингдек ижтимоий тармоқлардаги (Facebook, Instagram, Telegram messenger ва х.к.) мурожаатларни тааллуқлилигига қараб худудга бириктирилган доимий асосда ишловчи сенатор жадвал асосида ҳамда ишчи гуруҳ тузган ҳолда бевосита жойларга чиқиб ўрганиш ва ҳал этиш чораларини кўриш белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2018 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги 1725-III-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3884478>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори, 15.08.2018 йилдаги 1899-III-сон. <https://lex.uz/docs/4268684>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 28 июндаги КҚ-240-IV-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5547880>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 31.07.2021 йилдаги СҚ-359-IV-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5584844>



**КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Karaketova Dilnoza Yuldashevna,
TDYU Ixtisoslashgan filiali
Huquqbuzarliklar profilaktikasi va
jamoat xavfsizligini ta'minlash
kafedrasi o'qituvchisi, PhD
Telefon:+998909318166
d.yu.karaketova@gmail.com
Abbosov Mirsulton Mirsharof o'g'li
TDYU Ixtisoslashtirilgan filiali
3-bosqich talabasi
Telefon:+998977697434
abbosovmirsulton@gmail.com

Аннотация: Мақолада коррупциявий жиноятчиликнинг салбий оқибатлари, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ифодаладиган ҳолат, динамика, даража, тузилиш, ҳудудий тақсимот тушунчалари атрофлича таҳлил қилинган, статистик маълумотларни ўрганиш асосида коррупциявий жиноятларга криминологик тавсиф берилган. Шунингдек хорижий ва мамлакатимиз олимларининг бу борадаги фикрлари ва ёндошувлари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциявий жиноятчилик, омиллар, жиноятчилик даражаси коэффициенти, ҳажми, интенсивлиги, тузилиши.

Коррупция, кибернетик, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, конституциявий ҳуқуқларига доир тажовузлар бугунги куннинг энг долзарб жиноятларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам тараққиёт йўли қатъий танланиб, ўз стратегик мақсадларини амалга ошираётган бугунги шароитда бу каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. “Heritage Foundation” тадқиқот маркази томонидан Wall Street Journal билан ҳамкорликда ўтказилган “Иқтисодий эркинлик индекси – 2021” ҳисоботи бўйича 178 та мамлакат орасида 108 ўринни (4 йил ичида 44 та поғона юқорилаган) эгаллагани[1], CPI (Corruption Perception Index) 180 мамлакат орасидан коррупциялашиш бўйича рейтингида 2021 йил бўйича 140-ўринни (5 йил ичида 16 та поғона кўтарилган) эгаллагани[2], Global Initiative against Transnational Organized[3] ташкилоти томонидан уюшган жиноятчилик даражаси бўйича давлатларнинг рейтингида 193 мамлакат ичида 90-ўриндан жой олганлиги[4], юқорида келтирилган рейтингларда позитив кўтарилиш мамлакатимиздаги ислохотлар натижасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан далолат беради. Бироқ халқаро ташкилотлар чақириқларига эътибор бериб қарайдиган бўлсак, коррупцияга қарши кураш, уни олдини олиш чора-тадбирларининг долзарблиги ҳамон юқоридир. Жумладан, БМТ бош котиби А. Гуттериш ўз нутқида: “Бутун жаҳон иқтисодиёт форумининг маълумотларига қараганда, коррупция туфайли йўқотишларнинг умумий қиймати 2,6 трлн. АҚШ долларидан кам эмас, бу бутун дунё ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизи демакдир”[5], деб таъкидлагани ҳам фикримиз исботидир. Коррупция давлат бошқарув механизмнинг коррозиясидир. Коррупциянинг хавфлилик ва долзарблик даражасини оширувчи яна бир омил, коррупция ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги узвий алоқадоликдир.

“Одамларнинг бепарволиги коррупциянинг ривожланиши учун энг яхши шароитдир. Фақат бирдамликда ҳаракат қилиш орқалигина биз коррупция ва коррупционерларнинг жазосиз қолишига чек қўйишга умид қилишимиз мумкин”, дея таъкидлайди “Transparency International” халқаро коррупцияга қарши кураш ва бутун дунё бўйлаб коррупция даражасини ўрганиш нодавлат ташкилоти раиси Д.Ф. Рубио. БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциясига мос равишда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”[6] ги Фармони ва у асосида тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳам кўришимиз мум-



кин. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг II йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” деб номланиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш каби вазифа белгиланган. “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”[7]ги Фармонида “Ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегиясига ўтиш” вазифаси юклатилди. Фармонга кўра, тараққиёт стратегиясида юз мақсаддан ташкил топган бўлиб, унинг 83, 84-мақсадлари айнан коррупцияга қарши курашишга қаратилган. Хусусан, 83-мақсадида қуйидаги вазифалар: “Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш; давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш”[8] белгилаб ўтилган. Фармоннинг 84-мақсадида эса: “Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш; коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш; аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш”[9] каби бир қатор вазифалар белгилаб ўтилган.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш уни олдини олиш фаолияти борасида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан турли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда, ушбу ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида халқаро ҳужжатларга жавоб берувчи нормалар ўз аксини топмоқда. Аммо бу нормалар коррупциявий жиноятга қарши курашиш, уларни олдини олиш учун етарли, деб айта олмаймиз.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, “Судлар томонидан 2020 йил давомида коррупция билан боғлиқ (ЖК 205-214, 243-моддалари) жами 2 270 нафар шахсга нисбатан 1 502 та жиноят иши кўриб чиқилган. Шундан 2 203 нафар шахсга нисбатан 1 457 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган. Жумладан:

- 80 нафар шахсга нисбатан 59 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми;
- 2 123 нафар шахсга нисбатан 1 398 та иш бўйича айблов ҳукми чиқарилган;
- 67 нафар шахсга нисбатан 45 та жиноят иши тугатилган”[10].

Ушбу берилган статистикага биноан коррупция жиноятчилигининг даражасини билишнинг афсуски иложи йўқ. Чунки коррупцион жиноятларнинг хизматчи ва мансабдорлар томонидан содир этилади, бизнинг ҳисоб-китоб қилишимиз учун эса мансабдор ва хизматчиларнинг аниқ сони керак. Шундагина биз мансабдор шахслар ва хизматчилар ўртасида коррупциявий жиноятларнинг даражасини билишимиз мумкин бўлади. Аммо фараз қилайлик, агар бир туманда умумий ҳисобда 10000 та мансабдор ва хизматчи бўлса, туман кесимида умумий коррупцион жиноятлар сони 1 йил ичида 400 тани ташкил қилса, 35-40 ёшдаги мансабдор ва хизматчиларнинг сони 2000 тани ташкил қилса, 100 нафар мансабдор ва хизматчиларнинг жиноят кўрсаткич даражаси $(400 \times 100 / 10000 = 4)$ 4 га тенг бўлади. Бу дегани 100 нафар мансабдор ва хизматчиларга 4 та жиноят тўғри келади. Жиноий фаоллигини аниқлашимиз учун эса бизга аҳолининг аниқроғи мансабдор ва хизматчи бўлишга лойиқларнинг ёш кесими керак бўлади, ҳисоб-китобга кўра ушбу туманда $(400 \times 100 / 2000 = 20)$ 35-40 ёшдаги мансабдор ва хизматчиларга 20 та жиноят тўғри келар экан.

$$K = \frac{n \times 10^5}{N}$$

K-маъмурий ҳудудда жиноятчилик даражаси коэффициенти; n – маълум макон ва замонда содир этилган жиноятларнинг бари; N – жиноят субъекти бўла оладиган ҳудуддаги барча аҳоли сони; 10^5 – қанча аҳолига нисбатини



кўрмоқчи бўлсак шунга қараб ўзгаради (бизнинг вазиятимизда 10^2).

$$I = \frac{m \times 10^5}{N}$$

И – жиний фаоллик коэффициенти;

м – маълум макон ва замонда содир этилган жиноятларнинг бари; N – ҳудудда яшовчи аҳолининг фаол ёш қатлами (бизнинг вазиятимизда 35-40 ёшли мансабдор ва хизматчилар); 10^5 – қанча аҳолига нисбатини кўрмоқчи бўлсак шунга қараб ўзгаради (бизнинг

вазиятимизда 10^2).

Юридик фанлар доктори Г.А. Аванесовнинг фикрича, “Жиноятчилик динамикаси маълум бир вақт оралиғида жиноятчилик тизимига хос бўлган асосий кўрсаткичларнинг ўсиши ёки камайиши бўйича юзага келадиган ҳаракатланишидир”[11]. Демак, жиноятчилик динамикаси маълум макон ва замонда содир этилган жиноятлар сонининг ўсиши ёки тушишидир. Мазкур олим жиноятчилик динамикасига ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар таъсир кўрсатади деган ёндашувни баён этган, бизнинг фикримизча, бу омиллар сонини тўртта деб ҳисоблаш керак:

биринчидан, иқтисодий омил. Унга қашшоқлик, иш ҳақининг бажарилаётган ишга номутаносиблик даражаси, қора бозор фаолияти, сояли иқтисодиёт ва бошқалар қамраб олинади;

иккинчидан, ижтимоий омил. Улар ўз ичига жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари (илмсизлик, бекорчилик, ишсизлик, назоратсизлик каби) ҳамда аҳолининг демографик қатлами таҳлилини олади;

учинчидан, сиёсий омил. Миграция ва иммиграция жараёнлари, жамоатчилик назорати, толерантлик, плюрализм каби омиллар таҳлили киритилади;

тўртинчидан, ҳуқуқий омиллар. Жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий-ҳуқуқий йўналишларда жазо тизимининг ўзгариши, яъни айрим жиний ёки маъмурий-ҳуқуқий қилмишлар учун қўлланиладиган жазо турларини кучайтириш ёки енгиллаштиришни ёхуд умуман жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланиши (жумладан, чайқовчилик 1994 йилгача жиноят ҳисобланиб келинган) ҳамда айбни квалификация қилишда жорий этиладиган янги ёндашувларни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишига эрта ташхис қўйиш ва уни прогноз қилиш учун фактик маълумотлар зарур ҳисобланади[12]. У илк даврдаёқ жиний ҳодисани аниқлаш имконини беради[13].

Жиноятчилик динамикасининг ўсиши ёхуд тушиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳамда статистика органларининг жиноятларни ҳисобга олиши билан узвий боғлиқдир. Коррупцион жиноятчиликнинг динамикасига тўхталадиган бўлсак, уларни ўсиш ё тушишини содир қилинган коррупциявий жиноятларга қараб аниқ айтиб бериб бўлмайди, чунки бу турдаги жиноятларнинг латентлик даражаси ҳамда протексионизм даражаси юқорилиги ҳисобланади.

Динамиканинг ўсиши (тушиши) даражалари, ўсиш (тушиш) тезлиги, ўсиш (тушиш) суръатини аниқлаш борасида юридик фанлар номзоди Ф.К. Рябикиннинг қарашлари эътиборга молик. Унга кўра, жиноятчиликнинг абсолют ўсиши (тушиши) формуласи $A = U - U_1$; бу ерда U – жиноятчилик ҳажми (даражаси)ни кўрсаткичи; U_1 – худди шу кўрсаткичнинг солиштирилаётган даврдаги кўрсаткичидир.

$$T_{\text{ф}} = T_{\text{р}} - 100\% \quad T_{\text{р}} = \frac{U}{U_1} \times 100\%$$

$T_{\text{ф}}$ – жиноятчиликнинг ўсиш(камайиш) тезлиги;
 $T_{\text{р}}$ – жиноятчиликнинг ўсиш суръати[14]дир.

Жиноятчилик даражаси деганда, маълум бир маъмурий-худудий бирликда содир этилган жиноятларнинг аҳоли қатламига нисбати тушуниладир. Жиноятчилик даражасини кузатиш ҳудудда жиноятлар содир этилиш сонини ҳисоблашимизда ва айнан шу ҳисоб-китоб орқали ҳудудда қандай профилактик чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарурлигини белгилаб беради. Жиноятчилик характери деганда, тизимда энг хавфли жиноятлар нисбатига айтилади. Бу сифат кўрсаткичи ҳам жиноят содир этган шахсларнинг хусусиятларини акс



этиради. Демак, жиноятчилик характери маълум бир жиноятни оғир ва ўта оғир даражадаги жиноятчи шахсининг умумий жиноятчиликдаги ўрнига қараб ижтимоий хавфлилик даражасини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судларнинг 2020, 2021 йиллар давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўпламига таяниб, юқорида келтирилган формулалар асносида ҳисоб-китоб қилдик.

Юридик фанлар доктори Г.А. Аванесовнинг фикрича, “жиноятчилик тузилиши у ёки бу давлат ҳудудида маълум бир вақт оралиғи ёки тарихий давр жараёнида содир этилган турли жиноятларнинг гуруҳий мансублиги асосида умумлаштирилганлигидир. Бу ўринда гуруҳий мансублиги ижтимоий демография (аҳолишунослик), жиноий-ҳуқуқий ва криминология нуқтайи назаридан белгиланади”[15]. Юридик фанлар доктори В. Малковнинг фикрича, “жиноятчиликнинг таркиби) унинг турлари, жиноят қонунчилиги ёки криминологик асослар бўйича таснифланган жиноятлар гуруҳлари жиноят таркибидаги нисбати (ўзига хос оғирлиги) билан белгиланади. Бундай асослар қуйидагилар бўлиши мумкин: ижтимоий ва мотивацион йўналиш; ижтимоий-худудий тарқалиш; ижтимоий гуруҳ таркиби; жамоат учун хавф даражаси ва характери; жиноятчиликнинг барқарорлиги; ташкиллаштирилганлик даражаси ва унинг ташқи ва ички хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган бошқа хусусиятлар”[16]дир.

Жиноятчиликнинг худудий тақсимоти жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичида алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жиноятчиликнинг худудий тақсимоти бу – жиноятчилик географияси ҳамдир. Жиноятчилик географияси жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичларидаги ҳолат, динамика, даражалар билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Жиноятчиликнинг худудий тақсимотига юридик фанлар доктори В. Малков қуйидагича таъриф беради, “жиноятчиликнинг ҳажми, интенсивлиги, тузилиши, динамикаси, характеридаги худудий фарқлар мамлакатнинг алоҳида минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий анъаналар, урф-одатлар, маънаний-маърифий ишлар даражаси, кундалик ҳаётнинг ташкил этилиши, шунингдек аҳолининг турмуши ва бўш вақтини, ҳуқуқ тартиботнинг сифатли таъминланиши ва бошқа омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Бу омилларнинг даражалари жамиятнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги вазифаларини, профилактика ишларининг энг муҳим йўналишларини белгилашда ҳисобга олинади”[17]. Биз бу фикрларга қўшилган ҳолда жиноятчиликнинг худудий тақсимоти деганда, маълум давлат(лар)нинг ёхуд маълум маъмурий-худудий бирликларининг жиноятчилик кўрсаткичининг динамикасининг тақсимотидир, яъни худудларда жиноятчиликнинг даражаси ёхуд аксинча худудларда жиноятчиликка қарши иммунитетнинг мавжудлиги даражасидир, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, коррупцияга қарши кураш жамиятни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.heritage.org/index/ranking>
2. <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>
3. <https://globalinitiative.net/>
4. <https://ocindex.net/country/uzbekistan>
5. <https://rossaprimavera.ru/news/b62b0463>
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022-й., 06/22/89/0227-сон.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022-й., 06/22/89/0227-сон.
10. <https://anticorruption.uz/uz/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi>
11. Криминология: Дарслик / З. С. Зарипов, А. С. Якубов, Г. А. Аванесов ва бoshq.; prof. З. С. Зарипов таҳрири ostida. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИВ Академияси, 2008. – 57 б.
12. Каракетова, Д. 2021. Специфические аспекты предупреждения хулиганства. Общество и инновации. 2, 7/S (авг. 2021), 102–112. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss7/S-pp102-112>.
13. Жалилов, Н. 2022. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ва инновациялар. 2, 12/S (Feb. 2022), 348–352. DOI:<https://>



doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss12/S-pp348-352.

14. Яковлев А.М. Индивидуальная профилактика преступного поведения. – Горький, 1977. – С. 110

15. Криминология: Учебник для вузов / под ред. проф. В.Д. Малкова — 27е изд., перераб. и доп. — М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006. — 41 с.

16. Криминология: Дарслик / З. С. Зарипов, Ю. С. Пулатов, Г. А. Аванесов ва бошқ.; проф. З. С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 60 б.

17. Криминология: Учебник для вузов / под ред. проф. В.Д. Малкова — 27е изд., перераб.и доп. — М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006. — 42 с.

18. Криминология: Учебник для вузов / под ред. проф. В.Д. Малкова — 27е изд., перераб. и доп. — М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006. — 45 с.



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДАГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ

Қудратова Мухайё Ўктам қизи
Ички ишлар вазирлиги Академияси
Кундузги таълим 3-ўқув курси
321-гуруҳ курсанти
Телефон: +998994343107

АННОТАЦИЯ: Мақолада ахборот технологияларининг кенг миқёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратганлиги, мазкур жиноятларни тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида, шунингдек жиноятчиликни олдини олишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг ўрни ва аҳамияти юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: *ижтимоий тармоқ*, жинойий таъқиб, муҳофаза, хавфсизлик, ахборот, электрон жиноят, шахсий хавфсизлик, веб-сайт.

Ахборот технологияларининг кенг миқёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратди, ўз навбатида ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва уларни олдини олишда юқори билим ва касбий тайёргарликни талаб қилмоқда. Шундай қилиб, "ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят" компьютерлар ва маълумотларни қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жинойий қилмиш бўлиб, бунинг учун қонунчиликда жинойий жавобгарлик назарда тутилган. Шу боис, фуқаролар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар тўғрисида маълумотларни тарқатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Бугунги кунда жадал тараққиёт сари ривожланаётган ҳаётимизни оммавий ахборот воситалари, телефон ва интернетсиз таъсаввур қилиш қийин. Айни кунда айнан ушбу воситалар ҳар биримизнинг ишимизни енгил, узоғимизни яқин қиладиган воситалар сифатида улардан фойдаланиш юзасидан ҳар биримизда эҳтиёж туғдириши таъбий ҳол [1]. Бироқ до-нишманд халқимиз "Танганинг икки томони бор", -деганларидек, айни вақтга келиб, ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш соҳасида ҳам бир қатор муаммоли ҳолатлар учраб турибди. Ана шундай муаммолардан бири сифатида бугунги жиноят қонунчилиги учун янгилик ҳисобланган "Кибержиноят" тушунчасини келтиришимиз мумкин.

«Кибержиноятчилик» тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда, виртуал тармоқда даҳшат солиш, вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), ҳакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, маълумотлар бутунлиги ва муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ҳамда банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ва бошқа турли ҳуқуқбузарликлар билан изоҳланадиган жи-ноят ҳисобланади [2].

Компютер соҳасида содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг предмети бевосита жиноятнинг квалификациясига боғлиқ.

Компютерда сақланган маълумотларга ноқонуний кириш ҳуқуқини олишга қаратилган жиноятлар. Қонунга хилоф ҳаракатлар қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқларнинг бузилишига сабаб бўлган жиноятчининг компьютерга ноқонуний кириши билан тавсифланган ҳаракатлар ҳисобланади. Актнинг предмети: муаллифлик ҳуқуқи объектлари, компьютерлар учун ишлатиладиган дастурлар, турли маълумотлар базалари бўла олади. Зарарли дастурларни яратиш, ундан кейинги фойдаланиш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар. Бундай ҳаракатларнинг мавзуси электрон воситада жойлашган ёки тармоққа жойлаштирилган ҳар қандай маълумотдир ҳисобланади [3].

Замонавий технологиялар ривожланиши билан компютер ахборот соҳасида содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар сони тобора кўпайиб бормоқда:

1. Ахборотдан ноқонуний фойдаланиш. Компютер маълумотлари - бу уларни қайта иш-лаш, сақлаш ва кейинчалик узатиш учун ишлатилган воситалардан қатъий назар, электр сигналлари кўринишидаги ҳар қандай маълумот.



2. Зарарли дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар одам томонидан атайлаб қурбоннинг компютериға кириб, фаол равишда ишлай бошлаган дастурий таъминот ёки дастур яратиши билан тавсифланади. Бундай дастурдан фойдаланиш муҳим файлларни йўқ қилиш, ҳар қандай маълумотларни ўчириш, шунингдек уларни тарқатиш учун сабаб бўлиши мумкин.

3. Компютерлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Агар техник қурилмага нисбатан бирон бир ҳаракатлар нотўғри бажарилган бўлса, ушбу электрон воситада мавжуд бўлган муҳим маълумотлар бузилган бўлиши мумкин [4]. Бундай нотўғри фойдаланиш натижасида маълумотлар манзилга эмас, балки бошқа шахсга берилиши мумкин, бу ҳам нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. ИИВнинг муҳим ахборот инфратузилмасига қарши дастурларни яратиш, тарқатиш ёки ундан кейинги фойдаланиш. Компютер ахбороти соҳасида содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларнинг тўғри малакаси баъзи қийинчиликларга олиб келади. Улардан бири жиноятларни фарқлашнинг иложи йўқлиги [5].

Масалан, оддий фуқаро ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими маълумотларга ноқонуний кириш ва зарарли дастурларни яратиш каби ноқонуний хатти-ҳаракатларни мустақил равишда ажрата олмайди, улар шахсий маълумотларни айбдор шахсга ўтказиш учун ҳам ишлатилади. Шу сабабли жиноятларни квалификация қилишда кўпинча ушбу соҳада махсус билимга эга бўлган дастурлар қўлланилади, бу эса бир ноқонуний хатти-ҳаракатни бошқасидан чеклашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов М. ва бошқ., Ахборот технологиялари. Дарслик. –Т.: Ношир, 2009. – 368 б.
2. Арипов М.М., Отахонов Н.А. ва бошқ., Дастурлаш асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: “Тафаккур бустони”, 2015. -240 б.
3. Юнусова М.С. Юридик амалиётда АКТ. Дарслик. Тошкент 2018. 297 б.
4. Арипов М. ва бошқ., Ахборот технологиялари. Дарслик. –Т.: Ношир, 2009. – 368 б.
5. Арипов М. ва бошқ., WEB технологиялари. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2013. – 280 б.



GENDER TENGLIGI VA AYOLLARNING HUQUQLARI

**Muhammad Ayub Farangiz,
Odilova Mohira**

Farg'ona viloyati yuridik texnikumi
1-kurs o'quvchilari
Telefon: +998936481175
farignaz03@gmail.com

Kalit soʻzlar: Ushbu maqolada bugungi kunning dolzarb mavzusi boʻlgan gender tenglik masalasi, olib borilayotgan islohotlar va qonunchilikdagi yangiliklar keltirib oʻtilgan.

Annotatsiya: Gender tenglik, qonun, nizo, Oliy majlis, Senat, Konstitutsiya, normativ-huquqiy hujjatlar, .

Hayot shiddat bilan oʻzgarayotgan davrda jamiyat ham taraqqiy etar ekan, insonlar ham zamon bilan hamnafas boʻlishga harakat qilashadi. Bu ayollarga ham tegishlidir. Endilikda ayollar faqat uy-ishlari, bola tarbiyasi bilan shugʻullanib, “yo oila, yo ish”,- degan fikrlar gender tengligiga toʻsqinlik qiladi. Koʻrib turibmizki, rivojlanishning eng oʻtkir muammolaridan biri tenglikka erishish, ayniqsa, jamiyatda ham, oilada ham erkak va ayolning gender tengligiga erishish eng ogʻir masalalardan biridir. Ming afsuski, xotin-qizlar koʻpincha rivojlanish jarayonidan chetda qoladi va hatto unda ishtirok etgan taqdirda ham juda katta qiyinchiliklar, yoʻqotishlar (bunda koʻpgina hollarda oilaviy nizolar, ajrimlar) evaziga erishadi. Mazkur holatlarningni oldini olishda 2019-yil 2-sentabrda qabul qilingan “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari toʻgʻrisida” Oʻzbekiston Respublikasining qonuni xotin-qizlarning jamiyatdagi oʻrniga qaratilgan huquqiy himoya, huquqiy kafolat siaftida maʼqullangandi. Bundan tashqari Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida xotin-qizlar va erkaklar teng huquqliligi mustahkamlab qoʻyilgan. Ayollar haqida koʻp ulugʻ soʻzlar aytilgan va aytiladi. Ammo hayotda opa-singillarimiz shu ulugʻ soʻzlardagi kabi eʼzoz koʻrmoqdamiz? Konstitutsiyamizni sinchiklab oʻqisangiz, ayollar qadr-qimmatini, huquqlari himoyasi boʻyicha juda insoniy meʼyorlar belgilangan. Bugun turmushda ular roʻyobga chiqmoqdamiz?..

Gender tengligi nafaqat insonning asosiy huquqi, balki tinch, farovon va barqaror dunyo uchun zarur poydevordir.

Soʻnggi oʻn yilliklarda gender tenglik masalalarida rivojlanish kuzatilmoqda : koʻproq qizlar maktabga boryapti, kamroq qizlar erta turmushga chiqishga majbur qilinmoqda, koʻproq ayollar parlamentda va rahbarlik lavozimlarida ishlamoqda, gender tengligini oshirish uchun qonunlar isloh qilinmoqda. 2030-yilgacha gender tengligi xususiy va davlat sohalarida ayollar huquqlarini cheklab qoʻyayotgan kamsitishning koʻplab asosiy sabablarini bartaraf etish boʻyicha shoshilinch choralar koʻrishni talab qiladi. Masalan, kamsituvchi qonunlarni oʻzgartirish va tenglikni faol rivojlantirish uchun qonunlarni qabul qilish kerak. Shunga qaramay, 49 mamlakatda ayollarni oiladagi zoʻravonlikdan himoya qiluvchi qonunlar hali ham mavjud emas, 39 ta davlatda esa qizlar va oʻgʻillar uchun teng meros huquqi mavjud. Gender asosidagi zoʻravonlikka barham berish bugungi kunda dunyodagi eng dolzarb masaladir. Ayollarning barcha sohalaridagi samarali mehnati, ayniqsa, farzandlar tarbiyasi, oila hayotidagi ulkan xizmatlarini hech narsa bilan oʻlchab, qiyoslab boʻlmaydi.

Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 46-moddasida xotin-qizlar va erkaklar teng huquqli ekanliklari mustahkamlab qoʻyilgan, davlatimiz Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi, xotin-qizlarning siyosiy huquqlari toʻgʻrisidagi, bir xil qiymatga ega boʻlgan mehnat uchun erkaklar va xotin-qizlarni teng ragʻbatlantirish toʻgʻrisidagi konvensiyalarga qoʻshilgan.

Oʻtgan toʻrt yilda yurtimizda ayollar huquqlari himoyasini tubdan kuchaytirishga doir 15 dan ortiq meʼyoriy-huquqiy hujjat qabul qilingan va ijroga qaratilgan. Xususan, oʻtgan yili ikkita muhim hujjat – “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari toʻgʻrisida”gi hamda “Xotin-qizlarni tazyiq va zoʻravonlikdan himoya qilish toʻgʻrisida”gi qonunlar qabul qilindi.

Prezidentimiz qabul qilgan bir qator farmon va qarorlar davlat tashkilotlariga ayollar huquqlari bilan bogʻliq vazifalarni belgilab, ularning masʼuliyatini oshirdi. “Xotin-qizlarning mehnat



huquqlari kafolatlarini yana-da kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaror ana shunday muhim hujjatlardan biri.

Oliy Majlis Senatida Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qo‘mitasi tashkil etildi. Alohida Gender tenglikni ta‘minlash masalalari bo‘yicha komissiya tashkil etilib, u xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta‘minlash sohasidagi ishlarning holati to‘g‘risida har yili O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga axborot taqdim etishi belgilab qo‘yildi.

Endilikda davlat organlarida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta‘minlash masalalari bo‘yicha vakolatli mansabdor shaxs belgilanadi. Vakolatli shaxsning majburiyatlarini bajarish davlat organi rahbarining o‘rinbosarlaridan biri zimmasiga yuklatiladi.

Qonun ijodkorligiga “normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini gender-huquqiy ekspertizasi”, degan yangi institut kirib keldi.

“Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunda davlat xotin-qizlar va erkaklarga shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarni amalga oshirish chog‘ida teng huquqlilikni, jamiyat hamda davlat ishlarini boshqarishda, saylov jarayonida teng ishtirok etishni kafolatlashi mustahkamlab qo‘yildi.

Respublika bo‘yicha turli korxonalarda ishlayotgan rahbar ayollar 2017-yili 44,2 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2019-yilda 45,3 foizga yetgan.

Vazirlar Mahkamasining “2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida O‘zbekiston Barqaror rivojlanishning Beshinchi maqsadi gender tenglikni ta‘minlash, barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish belgilangan. Unga ko‘ra, 2030-yilga borib barcha xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning har qanday shakliga barham berish, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayotda qarorlar qabul qilishning barcha darajalarida ayollarning to‘liq va samarali ishtirokini, yetakchilik qilish uchun teng imkoniyatlarni ta‘minlash zarur.

Xulosa o‘rnida aytish kerakki, Konstitutsiyamizda belgilangan ayollarning haq-huquqlarini ro‘yobga chiqarish, ularning qadr-qimmatini oshirish bo‘yicha yuqoridan quyigacha amaliy tizim yaratildi. Mana shu yangi tizim samarali ishlashi uchun hammamiz birgalikda harakat qilishimiz zarur.

Adabiyotlar ro‘yxati:

- 1) O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi
- 2) Xalq so‘zi [20 Noyabr 2020]
- 3) “2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”
- 4) “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida” gi Qonun
- 5) “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida” gi Qonun



ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаев Неъмат Толиевич
Қорақалпоғистон Республикаси
ИИВ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари
Телефон: +998(90) 425 90 07
temurmavlonov12345@gmail.com

Анотация: Мақолада гиёхвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек, бу фаолият билан шуғилланувчи мансабдор шахсларнинг ушбу соҳага доир билимларини ошириш борасидаги айрим фикрлар ёритилган

Калит сўзлар: Психотроп модда, тергов ҳаракатлари, аналоглар, седатив, суриштирувчи, экспертиза, биологик моддалар.

Гиёхвандлик бугунги кунда дунё ҳамжамятининг долзарб муаммосига айланди. Турли соҳа мутахассислари ушбу муаммо бўйича иш олиб бормоқдалар. Гиёхвандлик юзасидан маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг барчаси инсониятни бу хатарли балодан сақлаб қолиш ташвишида. Дарҳақиқат, бугунги кунда гиёхвандликка қарши курашиш ҳар бир инсон маъсулдир.

Гиёхвандлик – XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар, бугунги сивилизация замонида келиб ўз ўрнини гиёхвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Бугунги кунда гиёхвандликка қарши курашга масъул бўлган идоралар ва шахслар бу ҳақиқатни яхши англаб етмоқлари зарур. Улар бу ишда сусткашликка йўл қўйишлари мутлақо мумкин эмас.

Энг ачинарлиси, гиёхвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёхвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёхвандлар ҳиссасига тўғри келади. Таҳлилчиларнинг фикрича, гиёхванд моддаларнинг кенг тарқалиши бир қатор ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Жумладан, демографик фожеаларни келтириб чиқаради, ижтимоий-иктисодий ҳаётда жиноятчилик кўзга ташланади. БМТнинг жиноятчилик ва гиёхванд моддалар устидан назорат бошқармаси маълумотларига кўра, гиёхвандликка ружу қўйганлар сўнгги йилларда дунёда 300 миллион кишидан ошиб кетди. Энг кўп истеъмол қилинадигани наша экани айтилади. Шу боисдан, гиёхвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида БМТ томонидан «Наркотик моддалар тўғрисида»ги, «Психотроп моддалар» ҳамда «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенсиялар қабул қилиниб, 1987 йил 7 декабрдаги 47/112-сонли резолюциясига кўра «26 июн – Халқаро наркотик моддаларини суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни (International Day against Drug Abuse and Illicit Trafficking)» деб эълон қилинган [1]. Қонун нормаларида тақиқланган экинларни етиштириш, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар билан шуғулланиш жиноят сифатида баҳоланиб ушбу фаолият билан шуғулланган шахсларга жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.

Гиёхвандликнинг турлари қуйидаги бўлинади.

1. Организмга таъсири жиҳатидан наркотик моддалар қуйидаги турларига;



– седатив (тинчлантирувчи) препаратлар – опиат наркотиклари ва барбитурат гуруҳининг уйқу дорилари;

- рағбатлантирувчи препаратлар – эфедрин, фенамин;
- психологик препаратлар (яъни онгини ўзгартирувчи препаратлар);
- наша препаратлари ва бошқа галлюциноген моддалар.

2. *Келиб чиқишига кўра қуйидаги турларига;*

- ўсимлик
- кимёвий олинган
- биологик моддалар.

Наркомания турлари жуда кўп, улардан асосийлари:

- опиумли (корадори) наркомания, у опиат дориларига (морфин, кодеин, тебаин, героин) нисбатан юзага келади;
- наша препаратларини истеъмол қилувчи наркомания (гашиш, наша);
- эфедрин (эфедрон) қабул қилиш наркоманияси;
- кокаин наркоманияси.

Уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига самарали қарши курашишни ташкил қилиш муаммоси мамлакатда криминоген вазиятни барқарорлаштириш жараёнида объектив тарзда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, мамлакатимизда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланмасига чек қуйиш мақсадида ишлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 25 июнь кунига қадар Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳамда бошқа ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилиши ва ички ҳудудда айланувини олдини олиш бўйича 36 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ҳолатлар натижасида 2 кг. 889,66 гр. гиёҳвандлик воситалари, 47 дона гиёҳвандлик таблеткалари, 306 туп гиёҳвандлик ўсимлиги ва 238 006 дона психотроп таблеткаларнинг ноқонуний айланувига чек қўйилган.

Маълумот учун: 2019 йилда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳамда бошқа ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг божхона чегаралари орқали олиб ўтилиши ва ички ҳудудда ноқонуний айланувини олдини олиш бўйича 76 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган.

Ҳолатлар натижасида 23 кг. 630,46 гр. гиёҳвандлик воситалари, 5202 дона гиёҳвандлик таблеткалари, 101 туп гиёҳвандлик ўсимлиги ва 3885 дона психотроп таблеткалар ашёвий далил сифатида олинган [2].

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур турдаги жиноятлар асосан ёшлар ва ўрта ёшдаги шахслар томонидан содир этилган. Хусусан, республика миқёсида 2020 йилнинг 9 ойи давомида мазкур турдаги жиноятларни 24 фоизини ёшлар ҳамда 34 фоизини ўрта ёшдаги шахслар (2019 йилда 25 фоизини ёшлар ҳамда 35 фоизини ўрта ёшдаги шахслар) содир этганлигини кўриш мумкин [3].

Соғлом авлод ўтмиши қадим, тупроғи олтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни мана шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, ҳеч қанақа ташқи салбий хуружлар ва қора иллатлар ёшларни ўзига жалб қила олмасин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Электрон манбаа: <https://adolatmarkazi.uz/uz/news/news/26-iun-giyohvandlik>. (2022 йил 15 март ҳолатига)
2. Электрон манбаа: <https://customs.uz/uz/news/view/4131>
3. *Субанов О.С.* Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг барвақт оолдини олиш: Методик ва амалий қўлланма. –Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 75 б.



ЭКСПЕРТИЗА ТЕРГОВ ҲАРАКТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаев Неъмат Толиевич
Қорақалпоғистон Республикаси
ИИВ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари
Телефон: +998(90) 425 90 07
temurmavlonov12345@gmail.com

Анотация: Исбот қилиш жараёнида иштирок этувчи шахслардан бири бўлган экспертнинг тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида иштироки билан боғлиқ аҳамиятли ҳолатлар билан боғлиқ фикрлар ушбу мақолада акс эттирилган.

Калит сўзлар: Экспертиза, тергов ҳаракатлари, вояга етмаган шахс, тергов-тезкор гуруҳи, суриштирувчи, экспертиза, эксгумация.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш учун муҳим пойдевор бўлди ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг янги-ча тизими шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Суд-тергов соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги куннинг долзарб вазифасидир [1]. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бу янги даврнинг энг муҳим ва устувор хусусиятлари, аввало, мамлакатимизда давлат ва бошқарув органлари, барча раҳбарлар бундан буён ўз фаолиятини “Инсон – жамият – давлат ва “Инсон кадрлари учун” деган эзгу тамойиллар асосида олиб боришида акс этади [1].

Хусусан жиноят процессуал қонунчилигида ҳам бир қанча ислоҳотлар амалга оширилди. Жиноят процессуал қонунчилигида жиноятларни очиш учун аҳамиятли ва ҳал қилувчи тергов ҳаракатларидан бири экспертиза бўлиб, жиноятга оид ишларни қонуний ҳал этишда муҳим рол уйнайди. Экспертиза муайян шарт ва асосларга кўра амалга ошириладиган процессуал ҳаракат бўлиб, унинг ўзига хослиги жиноят иши юзасидан фан, техника, санъат ва касб-ҳунар соҳасига оид махсус билимни қўллаб, тадқиқот ўтказиш орқали ҳулоса чиқариш заруриятидан юзага келади. Терговчи, прокурор, суд экспертиза тайинлаш жараёнида экспертиза ўтказишнинг муайян сабабаларини, экспертиза предметини, объектини, экспертиза бажаришни кимга топширишини, уни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди [2].

Терговга қадар текширув жараёнида жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда юз берган ҳодиса ва содир этилган ҳатти ҳаракатлар юзасидан экспертиза ўтказиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида ўтказилади. Дастлабки терговда экспертиза тайинлаш жиноят-процессуал қонунда белгиланган маълум бир асос ва шартларга риоя этган ҳолда ўтказиладиган процессуал ҳаракатдир. Хусусан, ЖПК 172-моддаси мазмунидан экспертиза тайинлаш учун асослар сифатида иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлган ҳолатлар англашилади.

Умумий жиҳатдан экспертиза уч таркибий қисмдан ташкил топади:

- 1) экспертиза тайинлаш;
- 2) экспертиза ўтказиш;
- 3) экспертиза ҳулосасини баҳолаш.

Экспертиза тайинлаш жараёнида ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши талаб қилинади:

- фактик ва юридик асосларни аниқлаш;
- жиноят иши учун муҳим ҳисобланган маълумотлар ва юборилган намуналарни тадқиқот учун тайёрлаш;
- экспертизани ўтказадиган экспертиза муассаси ёки экспертни танлаш;
- экспертиза тайинлаш ва экспертизага берилиши талаб қилинган саволарни терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, тергов ва суд ўз қарор ёки ажримда шакллантириши;



Экспертиза тайинлаш қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

экспертиза фақатгина тадқиқот учун етарли объект ва маълумотлар йиғилгандагина амалга оширилади ва экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда ваколатли органининг мансабдор шахси (терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, тергов ва суд) тергов ҳаракатини ўтказиши талаб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун етарли жиноят процессуал қонунчилигидаги асослар бўлиши талаб этилади.

Жиноят-процесуал кодексида экспертиза тайинлаш муддати берилмаган. Экспертиза терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, тергов ва суд томонидан мустақил тарзда ҳал этилади. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда экспертиза тайинлашнинг қонунчиликда аниқ муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда фикримизча, ЖПКда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда маълумотлар ва объектлар тўлиқ бўлгандан бошлаб 24 соат ичида экспертиза тайинланиши ва экспертга тадқиқот ўтказиш учун юбориш лозимлиги тўғрисидаги қондан кириштириш лозим.

Экспертиза тайинлаш учун далилий аҳамияга эга бўлган маълумотни аниқлашда махсус билимларга эҳтиёж сезилгани асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур талабларга риоя қилиниши ўз навбатида экспертиза ўтказишни осонлаштиради ҳамда терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва судьяни ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлади. Экспертиза ҳулосасида экспертнинг олдида қуйилган саволларнинг мазмун моҳияти тўлиқ асосланган ҳолда мантиқий кетма-кетлик асосида ёритилган бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нashри. – Т.: – 2022. – 109-б.
2. *Отахўжаев С.А.* Суд экспертизасини тайинлаш ва экспертнинг ҳулосасини баҳолашнинг процессуал тартиби (услубий қўлланма). – Тошкент: 2006. – Б. 11.



НОРМЫ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЕ АВТОРСКИХ ПРАВ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Муракаева Зухра Ильгизаровна,

Самостоятельный соискатель Университета
общественной безопасности Республики Узбекистан

E-mail: z.murakayeva@mgjxu.uz

Аннотация: в настоящем работе проведена сравнительно-аналитическое исследование по вопросам административной ответственности за нарушения в сфере защиты авторских прав на примере Кодекса об административных правонарушениях Российской Федерации и Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан.

Ключевые слова: авторские права, административная ответственность, кодекс, санкция, физическое лицо, должностное лицо, юридическое лицо.

В целях исследования был проведен анализ административных законодательств Российской Федерации и Республики Узбекистан. В ходе анализа было установлено, что в обеих странах вследствие длительного нахождения их в одном государстве (СССР), законодательства имеют большую схожесть.

Сравнительный анализ показал, что в российском законодательстве правонарушения в рассматриваемой сфере предусмотрены одной частью одной статьи (ст. 7.12 КоАП РФ) [1], а в узбекском отдельной статьёй в двух частях (ст. 177¹ КоАО РУ) [2]. Однако по содержанию диспозиции они аналогичны друг другу. Разница существенно заметна лишь при анализе санкций.

Обоими законодательствами предусмотрены только штрафные санкции с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и объектов смежных прав, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения и распространения, и иных орудий совершения правонарушения в отношении нарушителя. Разницу составляет только их размер и субъект правонарушения.

Так, согласно российского административного законодательства Нарушение авторских и смежных прав «влечет наложение административного штрафа на граждан в размере от одной тысячи пятисот до двух тысяч рублей с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и фонограмм, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения, и иных орудий совершения административного правонарушения; на должностных лиц - от десяти тысяч до двадцати тысяч рублей с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и фонограмм, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения, и иных орудий совершения административного правонарушения; на юридических лиц - от тридцати тысяч до сорока тысяч рублей с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и фонограмм, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения, и иных орудий совершения административного правонарушения» [1].

Узбекское законодательство предусматривает следующие виды ответственности за тот же вид правонарушений : санкция первой части статьи предусматривает «наложение штрафа на граждан от одной до пяти, а на должностных лиц — от пяти до десяти базовых расчетных величин с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и объектов смежных прав, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения и распространения, и иных орудий совершения правонарушения.

Те же правонарушения, совершенные повторно в течение года после применения административного взыскания, влекут наложение штрафа на граждан от пяти до десяти, а на должностных лиц — от десяти до двадцати базовых расчетных величин с конфискацией контрафактных экземпляров произведений и объектов смежных прав, а также материалов и оборудования, используемых для их воспроизведения и распространения, и иных орудий совершения правонарушения» [2].

В ниже приведенной таблице нашли своё отражение административные меры обеих стран в отношении нарушителей авторских прав в пересчете на узбекские суммы.



Таблица 1

Сравнительная таблица статей уголовного и административного законодательства в сфере защиты авторского права в РФ и РУ (в сумах)

	ч. 1 ст. 7.12 КоАП РФ	ст. 177¹ КоАО РУ
физические лица	270 000–360 000	ч. 1 324 000–1 620 000 ч. 2 1 620 000–3 240 000
должностные лица	1 800 000–3 600 000	ч. 11 620 000–3 240 000 ч. 2 3 240 000–6 480 000
юридические лица	5 400 000–7 200 000	Не предусмотрено

Расчеты проведены исходя из стоимости российского рубля по отношению в узбекскому суму [3] и определенной в Республике Узбекистан базовой расчетной величины [4]

Кроме того, в российском законодательстве в качестве одного из субъектов данных правонарушений предусмотрены юридические лица.

Список литературы:

1. Федеральный закон «Кодекс об административных правонарушениях» Российской Федерации от 30.12.2001 № 195–ФЗ (ред. от 27.12.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.02.2020) // СПС «Консультант Плюс» – http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/
2. Кодекс об административной ответственности Республики Узбекистан. Утвержден Законом Республики Узбекистан от 2 сентября 1994 года – <https://lex.uz/docs/97661>
3. Курсы валют. – www.bank.uz/ дата обращения: 12.08.2022
4. Какие БРВ и МРОТ применить в расчетах с 1 июня 2022 года. -www.buxgalter.uz/ дата обращения: 12.08.2022



ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ: КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Нуралиев Мурод Маруфович,
Учтепа тумани прокуратураси катта терговчиси

Аннотация: Мазкур мақолада махсус субъектлик жиноятларда қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ўзига хос жиҳатлар ёритилган. Бунда жиноят содир этилганда махсус субъектнинг жиноятларни бир-биридан фарқлаш функцияси ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилган. Шунингдек, мақолада муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби махсус субъектларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жиноий жазолар тизими таҳлил қилинган. Мақолада тадқиқ этилган масалалар юзасидан муаллифнинг хулосалари шакллантирилган.

Калит сўзлар: жиноятнинг махсус субъекти, жиноятларни квалификация қилиш, жазо тайинлаш, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, кам аҳамиятли қилмишлар, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш, жазони индивидуаллаштириш.

Махсус субъектнинг мавжудлиги муқаррар белгиси ҳисобланадиган жиноятни тўғри ва тўлиқ квалификация қилиш учун содир этилган қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий нормада мустаҳкамланган жиноят таркиби элементлари билан мувофиқлигини ва жиноят айнан ЖК Махсус қисмида муайян моддасининг диспозициясида кўрсатилган шахс томонидан содир этилганини аниқлаш талаб этилади.

ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида жиноятнинг айнан объектив томони айниқса кенг ва тўлиқ ифодалангани боис, фактик маълумотларни жиноят таркиби билан солиштириш айнан уни тавсифловчи белгилардан бошланади.

Бироқ махсус субъект жиноят таркибининг бошқа элементлари билан узвий боғлиқ эканини ҳисобга олганда, жиноят таркиби белгиларини тўғри аниқлаш аксарият ҳолларда жиноятнинг махсус субъектига тўғри баҳо беришни тақозо қилади. Масалан, ЖК 157-моддасида назарда тутилган жиноят – давлатга хоинлик қилиш, яъни жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан содир этилиши мумкин, жосуслик, яъни давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиш, йиғиш ёки сақлаш, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиш ёки йиғиш (ЖК 160-моддаси)нинг махсус субъекти эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, жиноят субъектининг жиноятни квалификация қилиш учун муҳим аҳамият касб этадиган белгилари унча кўп эмас. Қилмишни квалификация қилиш жараёнида уни содир этган шахс тўғрисидаги фактик маълумотларни жиноят субъектининг белгилари – ёш ва ақли расолик билан таққослаш зарур, махсус субъектлик жиноятда эса, бундан ташқари, тегишли махсус субъектнинг белгилари ҳам ҳисобга олинади.

Юқорида баён этилганлардан ташқари, жиноятни квалификация қилишнинг дастлабки босқичида шуни ёдда тутиш лозимки, ЖК 36-моддасига биноан, қилмиш ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаслиги мумкин. Н.Ф.Кузнецова қайд этганидек, кам аҳамиятли қилмишлар, гарчи улар маъмурий, интизомий, фуқаролик ҳуқуқи ёки ахлоқ кодекси нуқтаи назаридан ижтимоий хавфли бўлиши мумкин бўлса-да, жиноят-ҳуқуқий маънода ижтимоий хавфли ҳисобланмайди [1].

Бунда жиноятнинг махсус субъекти белгиси, муайян жиноят таркибининг муқаррар белгиси сифатида, бир жиноятни бошқа жиноятдан аниқ фарқлаш имконини беради. Масалан, ЖК 99-моддасига мувофиқ, жавобгарликка ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдирган она тортилади, ЖК 97-моддаси бўйича эса, бошқа ҳар қандай шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.



В.Н.Кудрявцев таъкидлаб ўтганидек, “моҳият эътибори билан жиноятни квалификация қилиш жараёни содир этилган қилмишнинг ҳар бир белгисини бошқа, ўхшаш жиноятларнинг белгиларидан изчил фарқлашдан иборатдир. Таъбир жоиз бўлса, жиноятларни бир-биридан фарқлаш квалификация қилишнинг орқа томонидир” [2]. Масалан, айрим жиноятлар содир этилганда махсус субъектнинг жиноятларни бир-биридан фарқлаш функцияси жиноятнинг оддий таркибини унинг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган таркибидан фарқлаш жараёнида кузатилади. Масалан, ЖК 205-моддасининг биринчи қисмига биноан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш учун жавобгарликка мансабдор шахс тортилади, шу модданинг иккинчи қисми бўйича эса, субъектлар доираси тораяди: ўша жиноят жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, жиной жавобгарликка сабаб бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, айбдор шахсга суд томонидан оғирроқ жазо тайинланади.

Жиноят махсус субъекти белгиларининг қонунда айтиб қўйилиши жиноятларни квалификация қилиш учун наинки муҳим, балки ҳал қилувчи аҳамият касб этади, десак, асло муболаға бўлмайди. Агар бундай белгилар жиноят қонунида кўрсатилган бўлса, нормалар бланкет хусусиятга эга бўлганда эса – бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқса, уларни аниқлаш жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг ва, бинобарин, айнан айбдор шахслар жиной жавобгарликка тортилишининг зарурий шарт ҳисобланади.

Суд амалиёти ва қонунчилик таҳлилидан келиб чиқиб, айбдорнинг шахсини баҳолаш куйидагиларга таъсир кўрсатади, деган хулосага келиш мумкин:

- 1) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига;
- 2) жиноят-ҳуқуқий норма санкциясининг миқдориغا;
- 3) суд томонидан тайинланган жазога.

А.А.Пионтковский таъкидлаб ўтганидек, “суд томонидан тайинланадиган жазо ҳар бир муайян ҳолда мазкур ижтимоий хавфли ҳаракатларга қарши курашишнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни билан мос келиши лозим. Жиноят содир этувчи шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб турлича бўлади. Бироқ айтилган бир жиной қилмишлар содир этилганда ҳам айрим жиноятчиларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Жазони индивидуаллаштиришда ҳар доим содир этилган жиноят билан бир қаторда уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ҳисобга олиниши лозим” [3].

Мазкур шартлар амалдаги жиноят қонунида ҳам мустаҳкамланган. ЖК 54-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. XVIII асрдаёқ италян маърифатчиси Ч.Беккария: “Жиноятлар ва жазолар ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлиши лозим. Жазонинг мақсади айбдор яна жамиятга зарар етказишига тўсқинлик қилиш ва бошқаларни ҳам бундан тийиб туришдан иборатдир” [4], деб таъкидлаган эди. Бу фикр бугунги кунда ҳам ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги Қарорига мувофиқ, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак (3-банд). Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳуқуқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳоказолар киради (4-банд) [5].

Шундай қилиб, суд ишнинг барча ҳолатларини баҳолаб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлайди ва рўйхати ЖК 43-моддасида келтирилган тегишли жазони тайинлайди.

Олимларнинг кўриб чиқиладиган масала хусусидаги фикрларини тасдиқлаган ҳолда, шунини қайд этиш лозимки, жиноят қонунчилиги таҳлили мавжуд жазолар ижтимоий хавфли



қилмиш содир этувчи шахсларнинг барча тоифаларига ҳам қўлланиши мумкин эмас, деган хулосага келиш имконини беради [6–8]. Масалан, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади; интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо чақирув бўйича ва контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Бундан ташқари, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога кўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, агар ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида кўриб чиқилаётган жазо назарда тутилган бўлса, жиноятнинг субъекти, қоида тариқасида, махсус субъект бўлади.

Хизмат бўйича чеклаш ҳам жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан эмас, балки фақат жиноятларнинг махсус субъектлари – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бу жазо суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир. Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

Интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум этишдир. Интизомий қисмга жўнатиш жазоси ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазога келсак, у шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда кўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. ЖК Махсус қисми моддаларининг санкцияларида мазкур жазо тури мавжуд эмас, бироқ юқорида баён этилган ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолда суд ундан фойдаланиши мумкин. Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда жиноят махсус субъекти ўрнининг таҳлили куйидаги хулосаларга келиш имконини беради. Жиноят махсус субъектининг аҳамияти қилмишни квалификация қилиш жараёнидан кейин, аниқроқ айтганда, жазо тайинлашнинг умумий асосларини мустаҳкамлашга бағишланган ЖК 54-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жазони индивидуаллаштиришда ҳам бевосита намоён бўлади.

Жиноятнинг махсус субъекти белгилари ё қонун чиқарувчи томонидан ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида мустаҳкамланади, ё талқин қилиш йўли билан



аниқланади, шу жумладан жиноят қонунчилиги доирасидан ташқарида амал қиладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларидан ҳам фойдаланишга тўғри келади ва айтиш мумкин ҳолда жиноятнинг махсус субъекти белгилари айтиш мумкин шу жиноят таркиби учун муқаррар хусусият касб этади. Жиноят-ҳуқуқий нормаларни тузишнинг бундай шакллари жиноятни квалификация қилиш жараёнини оғирлаштирадиган ва уларни эркин талқин қилиш учун имконият яратадики, бу баъзан жиноят махсус субъектининг айрим белгилари тушунилмаслиги ёки аниқланмаслигига олиб келади. Шу сабабли, жиноятни квалификация қилишда қонуннинг ўз мазмунинигина эмас, балки мавжуд назарий шарҳлар ва суд талқинини ҳам эътиборга олиш зарур.

Жиноят содир этган махсус субъект шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳақида гап борганда, айнан шу субъектга хос бўлган, уни ижобий ёки салбий томондан тавсифлайдиган ва шу тариқа унинг ижтимоий хавфлилик даражасидан далolat берадиган жиҳатлар ва хусусиятлар назарда тутилади.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, жиноят махсус субъектининг шахси жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, бу ҳолат, биринчидан, қонун чиқарувчи томонидан ЖК Махсус қисми моддаларининг санкцияларини тузишда, иккинчидан, тергов органлари, судларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида жазони индивидуаллаштириш ва тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

Жазо тайинлашда суд жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлардан ҳар бирининг хусусиятини, уларнинг жиноят содир этган шахс жинойий қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтириш ёки кучайтиришга, жазо чорасига таъсирини ҳисобга олиши лозим. И.К.Карпец: “Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларга ошириб баҳо бериш ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни лозим даражада баҳоламаслик айбдорга тайинланадиган жазо асоссиз равишда юмшатилишига, жинойий хулқ-атворнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўзининг муносиб баҳосини олмай қолишига сабаб бўлади” [9], деганда, бизнингча, тўла ҳақ эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кузнецова Н.Ф. Преступление и преступность. – М., 1999. – С. 62.
2. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1991. – С. 146.
3. Пионтковский А.А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. – М., 1961. – С. 247.
4. Беккария Ч. О преступлениях и наказаниях. – М., 1939. – С. 216, 243–244.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 2006 йил, 1-сон.
6. Багрий-Шахматов Л.В., Гуськов В.И. Теоретические проблемы классификации уголовных наказаний. – Воронеж, 1991. – С. 37.
7. Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. – М., 1993. – С. 231.
8. Стручков Н.А. Уголовная ответственность и ее реализация в борьбе с преступностью. – Саратов, 1998. – С. 108.
9. Карпец И.И. Индивидуализация наказания в уголовном праве. – М., 1991. – С. 111.

**МУДДАТ – МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА****Рахимберганова Бону Давлатназаровна**

Тошкент давлат юридик университети

таянч докторанти

тел: +998901150537

e-mail: bondav0116@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномасини тузишда муддатларни белгилашнинг муҳим қоидалари, тартиби ҳамда қонунчиликда ўрнатилган талабларнинг таҳлили ўз аксини топган. Муддатлар меҳнат шартномасининг зарурий элементи сифатида назарий ўрганилган.

Калит сўзлар: меҳнат шартномаси, муддат, зарурий шарт, ходим ҳуқуқлари, ҳуқуқнинг чекланганлиги.

Меҳнат ҳуқуқи назариясига кўра, иш берувчи ва ходимнинг субъектив ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг ўзаро боғлиқлиги меҳнат-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил қиладиган бўлса, меҳнат шартномасининг шартлари эса меҳнат шартномасининг мазмунини ташкил қилади. Меҳнат шартномасини унинг қонунда назарда тутилган шартларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хорижий мамлакатлар ҳуқуқ назариясида меҳнат шартномасига меҳнат ҳуқуқининг меҳнат интизоми ва меҳнат тартиби, иш ҳақи, иш вақти, танаффуслар ва қисман меҳнат муҳофазаси каби масалалар бирлашган марказий тушунча сифатида қаралган. Бельгия, Португалия, Люксембург, Финляндияда ўтган асрнинг 60-80 йилларида меҳнат шартномалари ҳақида махсус қонунлар ҳам қабул қилинган эди [1].

Меҳнат шартномасининг барча бевосита шартлари, улар меҳнат шартномасига киритилиши заруратига қараб: меҳнат шартномасида киритилиши мажбурий бўлган зарурий шартлар ва ходим билан иш берувчи ўртасидаги ўзаро келишувга кўра ўрнатилиши мумкин бўлган қўшимча шартларга бўлинади.

Меҳнат шартномасининг зарурий ва қўшимча шартларга бўлинган юқоридаги таснифи меҳнат ҳуқуқига оид адабиётлардагина эмас, балки бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қўлланилади [2].

Меҳнат шартномасининг бир қанча зарур шартлари умумий тусга эга бўлиб, ходим асосий ёки ўриндошлик бўйича, номуайян муддатга ёки муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишга қираётганлигидан, қандай ишни ва қаерда (корхонада ёки ўз уйида) бажариши ва бошқалардан қатъи назар, бу шартлар ҳар қандай меҳнат шартномасининг мазмунига киритилиши лозим. Фақат меҳнат шартномаси амал қиладиган муддат тўғрисидаги шарт бундан мустаснодир. Бу шарт ҳар қандай меҳнат шартномасига эмас, балки фақат муайян муддатга тузиладиган меҳнат шартномасига киритилиши зарур. Бундан келиб чиқадики, муддат – меҳнат шартномасининг айрим ҳолларда мажбурий, айрим ҳолларда зарурий шarti ҳисобланади.

Меҳнат шартномасида юқорида назарда тутилган зарурий шартлар бўлмаса, мазкур шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Аммо, бу борада, меҳнат ҳуқуқи назариясида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, А.Л.Анисимовнинг фикрича, меҳнат шартномасида ўрнатилиши мажбурий бўлган шартлардан бирортасининг меҳнат шартномасида ўрнатилмаганлиги ўз ўзидан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки уни тузилмаган деб ҳисобланишига асос бўлмайди. Агар меҳнат шартномаси тузилаётганда айрим зарурий шартлар хусусида келишилмаган бўлса, меҳнат шартномасига қўшимча равишда мазкур шартлар дарҳол киритилиб қўйилиши керак [3].

Маълумки, меҳнат шартномаси амал қилиши давом этишига кўра, асосан икки турга бўлинади: муддатли ва муддатсиз турларга бўлинади. Муддатсиз меҳнат шартномалари номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари деб аталиб, улар тузилган пайтдан бошлаб амал қилишни бошлайди. Бундай шартномаларда шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмайди. Бундай турдаги шартномалар учун муддат асосий шарт эмас. Аслини олганда, шартномада унинг номуайян муддатга тузилганлиги кўрсатилмаса, бу ҳам қайсидир маънода қонун бузилиши ҳисобланади. Аммо, шартномадаги бундай камчилик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин.



Таъкидлаш керак, умумий қоидага кўра, иш берувчилар меҳнат шартномаларини номуайян муддатга тузишлари керак. Фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина, муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Муддатли меҳнат шартномасини тузиш учун асослар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 76-моддасида белгиланган бўлиб, бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда; корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида, бир томондан, ходимлар билан муддатли меҳнат шартномалари тузиш имконияти кўзда тутилган, иккинчи томондан, иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган. Бундай чеклов муддатли меҳнат шартномасини иш берувчи хоҳлаган вақтда эмас, балки фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда тузиш мумкинлигини билдиради. Агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси мазкур модда талабларини ҳисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади. Агар ходим билан иш берувчининг ҳуқуқлари мавжуд ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузилса-ю, унда шартноманинг бекор бўлиш муддати кўрсатилмаган бўлса ҳам шартнома номуайян муддатга тузилган бўлади.

Меҳнат шартномасини турларга ажратишда ҳуқуқшунос олимларнинг турлича назарий қарашлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти меҳнат шартномасининг муддатига қараб классификация қилинишини маъқуллайдилар. Жумладан, К.Н.Гусов, О.Б.Зайцева ва Ю.П.Орловский меҳнат шартномасининг иккита тури мавжуд эканлигини, яъни номуайян муддатга тузиладиган ва муайян муддатга тузиладиган меҳнат шартномалари кўрсатади [4].

Ҳозирги даврда муддатли меҳнат шартномаларини тўғри, қонуний ва асосли тузиш ҳамда уни тузиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳам ходимларни, ҳам иш берувчилар – тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат томонидан самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада меҳнат қонунчилигининг ўрни катта.

Муддатли меҳнат шартномаси тузишга юқоридаги каби қонуний асослар мавжуд бўлмаган ҳолда бундай шартномалар тузилиши қонунга зид ҳисобланади ва низо келиб чиққан тақдирда, низо ходимнинг фойдасига ҳал этилади.

Муддатли меҳнат шартномаларида шартноманинг амал қилиш муддатини тўғри белгилаш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни нотўғри белгилаш нафақат низоларга сабаб бўлади, балки иш берувчи ва ходимларнинг қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли ҳам, муддат меҳнат шартномасининг зарурий шarti сифатида эътироф этилади.

Муддатли меҳнат шартномаларида шартнома муддатини белгилашнинг уч хил усули мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишлигига кўра муҳим ҳисобланади. Муддатли меҳнат шартномасида нафақат ишнинг бошланиш муддати, балки ишнинг тугаш муддати ҳам унинг зарурий шarti ҳисобланади. Меҳнат кодекси 75-моддаси мазмунига кўра, ҳар қандай ҳолда ҳам муддатли меҳнат шартномаси 5 йилдан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас. Муддатли меҳнат шартномасида шартноманинг амал қилиши тугаши аниқ вақт билан белгилаб қўйилиши керак. Бироқ бундай аниқ санани белгилаш учун қонуний асос бўлиши керак. Одатда бундай аниқ вақт билан шартнома муддатини белгилаш корхона раҳбари ёки бош бухгалтери билан тузилган меҳнат шартномаларида белгиланади. Шунингдек ходимнинг манфаати юзасидан тузилган меҳнат шартномаларида ҳам кўрсатилиши мумкин.

Муддатли меҳнат шартномасида шартнома амал қилиш муддатини кўрсатишнинг иккинчи усули – бу ишнинг бажарилиши тугаши билан боғлиқ ҳолда белгилаш. Шартноманинг амал қилиши муддатини бундай белгилаш муайян ишни бажариш муддатига тузилган меҳнат шартномаларига нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси унда белгиланган иш бажарилиб, топширилиши билан бекор қилинади. Чунки ходим бажарадиган иш вақтинчалик хусусиятга эга. Шу боис меҳнат шартномасининг муддатига ишнинг тамом бўлиши билан боғлиқ ёзув киритилади.

Муддатли меҳнат шартномаларида шартнома амал қилиш муддатини белгилашнинг учинчи усули – бу шартнома амал қилишини муайян юридик факт билан боғлаш. Бунда



ушбу юридик фактнинг вужудга келиши шартномани бекор бўлишига олиб келади. Бундай юридик фактлар асосан иш жойи сақланиши лозим бўлган ходиларнинг вақтинчалик йўқлиги сабабли унинг ўрнига келган ходимлар билан тузилади.

Хулоса қилиб айтганда, муддатли меҳнат шартномасида шартнома давомийлигини белгилаш зарурдир. Сабаби шартномани тугаш муддати бўлмаслиги унинг муддатли меҳнат шартномаси сифатида эътироф этилмаслигига ёки ходимлар ҳуқуқларини бузилишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасида ҳам унинг муддатсиз эканлигини эътироф этилиши ҳам тарафлар белгилаган асосий шартлар каби муҳим эканлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник для вузов. — М.: Дело, 1999. — 728 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган ўзгартиш ва кўшимчалар киритилган) “Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар” ЎР ҚХТ, 2009 й., 44-сон, 467-модда.
3. Анисимов А.Л. Трудовые отношения и материальная ответственность работодателей и работников. Учебное пособие. М.: Изд: Деловой двор, 2011. – С. 19.
4. Орловский Ю.П. Трудовое право России. Учебник для бакалавров. – М.: “Юрайт”, 2014. – С. 363.
5. Гусов К.Н., О.Б.Зайцева. Заключение трудового договора (вопросы теории и практики). Научно-практическое пособие. – М.: Проспект, 2015. – С. 23-24.



ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Сафаров Бекзод Алишер ўғли
Қарши шаҳар 2-сонли ИИБ ҳузуридаги
суриштирув гуруҳи суриштирувчиси

Анотация: Ушбу мақолада ёшлар миграциясини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ёритиб берилган

Калит сўзлар: Миграция, меҳнат мигрантлари, меҳнат ҳуқуқи, ёшлар, ислохот, ёшларга оид давлат сиёсати.

Хориждаги юртдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш борасида кейинги йилларда амалий ишлар қилинаётганлигини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди ҳамда ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шу билан бирга, чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шунга қарамай, четда ишлаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳали бисёр.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг муҳим йўналиши – ташқи меҳнат миграцияси ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикасида ташқи меҳнат миграцияси бўйича фаол давлат сиёсати амалга оширилиб келинмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 505-сонли Қарорига мувофиқ мамлакат фуқароларининг хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тамойиллари белгилаб берилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакат конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиш ҳуқуқига эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ташқи меҳнат мигрантлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида давлат томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. 2018 йил 27 ноябрь куни БМТ Миграция агентлиги кенгашининг Женева шаҳрида очилган 109-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2018 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва 14 декабрда Сенат томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 26 декабрь куни “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади [1].

Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиб, мазкур ташкилотга аъзо бўлиш Ўзбекистонга қатор ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланишга имкон беради. Жумладан, овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш, Кенгашда қарор қабул қилиш ва фаолиятида иштирок этишга, жорий дастурларда қатнашиш ёки унинг эҳтиёж ва манфаатларига доир ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларга ўз таклифини бериши, миграция билан боғлиқ миллий дастурларни бажаришга ХМТдан молиявий ёрдам олиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи, 2018 йил 27 декабрь.



ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сафаров Бекзод Алишер ўғли
Қарши шаҳар 2-сонли ИИБ ҳузуридаги
суриштирув гуруҳи суриштирувчиси

Анотация: Ушбу мақолада ёшлар миграциясини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Бизнес лойиҳа, кредит тизими, меҳнат ҳуқуқи, ёшлар, ислоҳот, камбағалликни қисқартириш.

Кузатишлар натижасида, маълум бўлди-ки, узоқ йиллар давомида (5 йил ва ундан ортиқ) доимий равишда хорижда ишлаб юрган меҳнат мигрантлари маълум сабабларга кўра (масалан: хориждаги фаолиятини яқунлаганлиги сабабли, турли оилавий сабаблар, кўп ҳолларда қурилиш ишларида ишлаб юрган мигрантлар ёши улғайганлиги сабабли ва ҳ.к.) яшаш жойларига қайтадилар.

Ушбу тоифадаги меҳнат мигрантлари, аксарият ҳолларда ишсиз, доимий даромад манбаисиз – ночор аҳволда қолади. Бунинг сабаблари ўрганилганда, расмий ишга жойлашишда меҳнат мигрантининг ёши, мутахассислиги ва иш малакаси номутаносиблиги ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун маблағ ва бошқа ресурслар етишмаслиги сабаб бўлади.

Аксинча, бу тоифа фуқаролар хорижда ишлаб турган даврида маълум маблағга эга бўлади ва ушбу маблағлар билан ўз ишлаб чиқариши ва бошқа тадбиркорлигини ташкил этишда “бизнес лойиҳалари” бўлмаслиги, ер майдони ва инфраструктуранинг йўқлиги натижасида жамғармасини мақсадсиз сарфлаб юбориш ҳолатлари кўп учрайди.

Таклиф: Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестиция киритилишини давлат томонидан рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий қилиш лозим (“Ўз келажагимга - ўзим инвестор” тамойили бўйича ишлаш тизимини яратиш).

Бунда қуйидаги инструментларни киритиш мумкин:

- тижорат банклари томонидан хорижда ишлаб юрган меҳнат мигрантларига кредит ажратиш линияларини ишга тушириш. Жумладан, ҳозирги кунда “Халқ банки” томонидан фақатгина уй-жой ва маиший товарлар сотиб олиш учун меҳнат мигрантига кредит бериш амалиёти жорий этилган.

Эндиликда - Агробанк, Микрокредитбанк, Халқ банки ва бошқа тижорат банклари томонидан тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳам кредит ажратишни жорий этиш натижасида меҳнат мигрантлари хорижда вақтинчалик ишлаб юрган (кредит тўловларини тўлаш учун етарлича даромад манбаига эга бўлган) даврдаёқ ватанида ўз тадбиркорлигини бошлашга интилади [1];

- меҳнат мигрантлари томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиб, ишга туширилган тадбиркорлик лойиҳалари (хориждан олиб кирилган ишлаб чиқариш ускуналари) учун белгиланган тартибда божхона ва солиқ имтиёзларини бериш;

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда “бизнес пакет” (ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тайёрланган бизнес ғоя, бизнес режа, жой ва инфратузилма таъминоти)лар тайёрлаш амалиётини жорий этиш.

- ҳудудларда янгидан ташкил этилаётган “эркин иқтисодий зона”лар ҳамда “кичик саноат зоналари” ҳудудидан меҳнат мигрантлари учун ер майдони ажратиб бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Электрон манба: <https://yuz.uz/news/ozbekistonda-yoshlar-mehnat-migratsiyasi-buguni-va-istiqboli> (Мурожаат этилган сана 15.05.2022)



ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ” ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНИШИ.

Тўхтаев Бобир-Мирзо Авазович.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси котибияти
Катта референти. Мустақил изланувчи.

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада мамлакатимизда “электрон парламент” тизимининг ривожланиш асосий босқичлари ва тенденциялари ёритилган. Ривожланиш босқичлари икки даврга бўлиниб таҳлил қилинади. Хусусан, мустақилликдан 2016-йилгача ҳамда 2017-йилдан бугунги кунга қадар даврни ўз ичига олади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: электрон парламент, Олий Мажлис, замонавий ахборот-коммуникация технологиялар, электрон ҳужжат айланиши, жамоатчилик фикри, электрон кутубхона.

Мамлакатимизда электрон парламент тизимини ривожлантириш жараёнлари ва босқичлари дастлаб 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида электрон парламент тизимини шакллантириш бўйича вазифаларда белгиланади. [1] Мазкур даврдан бошлаб электрон парламент тизимини шакллантириш бўйича фаол сайъ-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бироқ шундай бўлсада, электрон парламент тизимининг таркибий қисмлари бўлган Олий Мажлис палаталарининг интернетдаги расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ва бошқа ресурслар мазкур стратегиядан олдин шакллана бошлади. Шундан келиб чиқиб шартли равишда мамлакатимизда электрон парламент тизими шаклланиш ва ривожланиш босқичларини икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр, 1991-2016 йилларни ўз ичига олиб, мазкур даврда Олий Мажлис фаолияти йўлга қўйилди, Олий Мажлис икки палатали парламентга айланди. Шунингдек ушбу вақт мобайнида Олий Мажлис палаталари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар жорий этилди.

Мазкур даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти parliament.gov.uz 2006 йилдан ҳамда Олий Мажлис Сенатининг расмий веб сайти senat.uz ўз фаолиятини йўлга қўйди. Палаталарнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари фаолият олиб бора бошлади.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси норматив ҳукуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси портали regulation.gov.uz сайти фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тизим дастлаб Ягона давлат интерактив хизматлари порталининг алоҳида бўлимида аҳоли эътиборига ҳавола этилди. Ўзбекистон Республикаси норматив ҳукуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси портали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 328-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимининг биринчи талқинидир. [2]

Порталда давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган тадбиркорлик фаолиятига алоқадор қонун ҳужжатларининг лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчилар мазкур ҳужжалар борасида ўз таклифларини бериш имконияти яратилган. Келтирилган таклифлар қонун ҳужжати лойиҳаси ва қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни жойлаштирган давлат орган томонидан ўрганиб чиқилиб қабул қилинади ёки асослантирилган рад жавоби берилади.

Фойдаланувчилар жойлаштирилган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар борасида нафақат моддама-модда ўз таклифларини билдиришлари балки, мазкур ҳужжатлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб махсус сўровномани тўлдиришлари ҳам мумкин. Сўровнома Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини ва мазкур Портални янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Иккинчи давр, 2017 йилдан бошлаб ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олиб, мамлакатимизда электрон парламентни ривожлантириш борасида сезиларни ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва



инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 5-бандига асосан аҳолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг халқ билан мулоқотини такомиллаштириш мақсадида “Электрон парламент” тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланади.

Ишчи гуруҳ томонидан дастлаб электрон парламент тизимини такомиллаштириш бўйича хорижий тажриба, Олий Мажлиси Сенати, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда соҳа мутахассислари жалб қилинган ҳолда давра суҳбатлари ташкил қилинади. Шунингдек, комплекс чора-тадбирлар дастури лойиҳасини тайёрлаш учун кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ижтимоий тармоқларда, хусусан, “facebook”да алоҳида саҳифа яратилиб, муҳокамалар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиши зарурлигини таъкидлайди. [3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг 34-бандида “Mening fikrim” махсус веб-портали орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш белгиланади. [4]

Мазкур веб-портал орқали фуқаролар давлат ва жамият аҳамиятига молик муҳим масалалар юзасидан қонунчиликка таклифларни электрон жамоавий мурожаат шаклида юбориши мумкин. Юборилган электрон жамоавий мурожаат тизим модератори – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан экспертизадан ўтказилгандан сўнг веб-порталда эълон қилинади.

Шунингдек, электрон парламентнинг муҳим таркибий қисмларини шакллантириш, такомиллаштириш ва тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қисқа вақт ичида кўплаб ишлар амалга оширилади. Хусусан:

- Электрон ҳужжат айланиш тизими
- Электрон овоз бериш тизими.
- “Электрон парламент” тизими доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг тизими.
- Қонун ижодкорлигининг автоматлаштирилган тизими.
- Ўзбекистон Республикаси Депутатлар портали.
- Менинг парламентим портали (parl.uz).
- Парламент кутубхонаси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ижтимоий тармоқларда қуйидаги саҳифалари мавжуд. Хусусан, Facebook даги саҳифаси аъзолари сони 7208 нафар, Телеграм мессенжерда 6823 нафар, Youtube видеохостингида 4350 нафар аъзолари бор (2022 йил 4 август маълумоти бўйича). Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти таҳлил қилинганда кам сонли депутатларгина ижтимоий тармоқларда ўз саҳифага эга эканлиги бу ҳолат эса депутат ва электорат ўртасидаги мулоқотнинг самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ялпи мажлислари ва қонун лойиҳаларининг муҳокамалари жонли эфирда O‘zbekiston” ва “UzReport” телеканалари, расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали намойиш этиш йулга қуйилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон. <https://lex.uz/docs/3516847?ONDATE=25.05.2018>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 02.12.2014 йилдаги 328-сон. <https://lex.uz/docs/2509053>
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон. <https://lex.uz/docs/3516847?ONDATE=25.05.2018>

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
